

## **Биржа аъзолигига қабул қилиш тартиби**

Биржа аъзолигига қабул қилиш юридик шахсларни биржа аъзоси сифатида аккредитация қилиш йўли билан амалга оширилади.

Биржага аъзо бўлиш истагида бўлган шахс (кейинги ўринларда талабгор деб аталади) биржага, шу жумладан унинг худудий бўлинмалариға қуидаги хужжатларни тақдим этади:

- тасдиқланган шаклдаги ариза;
- аъзоликни тақдим этиш тўғрисидаги оммавий оферта (шартнома) шартларини қабул қилингандаги бўйича акцепт;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва уставнинг талабгор томонидан тасдиқланган нусхаси;
- талабгор томонидан тасдиқланган талабгор раҳбари ва бош ҳисобчисининг паспорт нусхаси;
- ҳисоб-китоб клиринг хизматлари тўғрисидаги оммавий оферта (шартнома) шартларини қабул қилингандаги бўйича акцепт;
- трейдер(лар)ни ишга қабул қилингандаги тўғрисидаги талабгор томонидан тасдиқланган буйруқ нусхаси;
- трейдер(лар)нинг паспорт нусхалари;
- «Биржа аъзолари учун жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидалари»ни ижроси бўйича масъул шахснинг тайинланиши юзасидан буйруқнинг тасдиқланган нусхаси;
- Трейдернинг «ЎзРТХБ» АЖда биржа савдоларини ўтказиш қоидалари, ҳисоб-китоб клиринг операцияларини амалга ошириш қоидалари, ички тартиб қоидалари, биржа аъзолари трейдерларини белгиланган талабларга мос келиши бўйича тестдан ўтказиш тартиби, биржа савдоларига боғлиқ бўлган бошқа мейёрий-ҳукуқий ва ички хужжатлар билан танишиб чиққанлиги ҳақидаги аризаси;

---

Дикқат: Талабгорлар тақдим этилган хужжатлар тўпламидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгардир!

Хужжатлар тўплами биржанинг масъул таркибий тузилмаси томонидан кўриб чиқилиб, камчиликлар аниқланмаса, биржа Бошқаруви томонидан талабгорни аъзоликка қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва бу ҳақда талабгорга тегишли хабарнома юборилади;

Агар талабгор ушбу тартибда кўрсатиб ўтилган барча хужжатларни тўлиқ тақдим этмаган бўлса, биржа аъзолик ҳақидаги аризани қаноатлантиришни рад этиб, аризачига камчиликларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қиласи.

Аъзоликка қабул қилиниши рад этилган талабгор рад этиш учун сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан сўнг хужжатларни қайтадан топширишга ҳақли.

Фойдаланилган асосий тушунчалар:

**трейдер** – биржа савдоларида биржа аъзоси номидан иштирок этадиган ва биржа битимларини тузишга ваколатли бўлган биржа аъзосининг ходими;

**биржа аъзолари** – дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда биржа битимларини тузиш ҳукуқини белгиланган тартибда олган юридик шахслар.